

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 69 (10.374)

2005 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

КИТАП

● **БҲГҲН** Юнусобод туманидаги 288-мактабда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган “Гиеванд моддаларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари” мавзусидаги ўқув семинарида юқори синф ўқувчилари, туман ҳудудий тиббиёт, халқ таълими бўлимлари ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлими вакиллари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** кунни Халқлар Дўстлиги саройида эстрада санъатининг ёш ва етакчи юлдузлари иштирокида “Тарона” мукофоти ғолибларига дипломлар топширилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманида халқ таълими ўрта махсус касб-хунар таълими ҳамда олий ўқув юртлири “Камолот” сардорлари иштирокида анжуман бўлиб ўтди. Унда “Камолот”чилар томонидан шу кунгача амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги 264-мактабда ЎТГАН кунни “Қизларни оилага тайёрлаш” мавзусида ўтказилган давра суҳбати “Маънавият ва маърифат” маркази, “Соғлом авлод учун” жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида ўюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Бектемир туман марказий кутубхонасида 289-мактаб ўқувчилари иштирокида ўюштирилган адабий кеча “Буюк саркарда” деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

УЛУҲ БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ

Халқимиз тарихда ўз фаолияти билан довруқ қозонган, миллатимиз фахри бўлган буюк сиймоларнинг номларини ҳурмат билан ёдга олиб, ҳамиша эъзозлаб келган. Ана шундай улуг сиймолар орасида Соҳибқирон Амир Темурнинг алоҳида ўрни бор. Истиқлол туфайли Соҳибқирон бобомизнинг таваллуд кунини кенг нишонлаш яхши анъанага айланди. Амир Темур хотирасини эсга олиш келгуси авлодни ўтмиш анъаналаримизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда, демакки, ўзлимизни англашимизда муҳим аҳамият касб этади.

9 апрель кунни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида эрта тонгдан мўтюз наволар ва қўшқлар янграб, олимлар, шоир ва ёзувчилар, маҳалла оқсоқоллари, талаба ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 669 йиллигини нишонлаш учун тўпландилар.

Тадбирни Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқро Амир Темур жамғармасининг раиси Муҳаммад Али очар экан, Амир Темурнинг серкира фаолияти замонлар ўтган сари жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келаётгани, Соҳибқироннинг ватанпарварлик шижоати, бунёдкорлик ишлари, илму фанга ҳомиyliги, саркардалик санъати, дипломатик фаолияти чиндан ҳам чуқур ўрганишга муносиб эканлигини таъкидлади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб жумладан шундай деди: “Истиқлол биринчи галда бизга миллий ғуруримиз, шону шавкатимизни қайта тиклаб берди. Унинг тинимсиз ва белгиси ҳеч шубҳасиз Амир Темур ҳазратларидир. Темур бобомизни халқимиз азалдан билган, бир дақиқа унутмаган...”

Тадбирда шунингдек “Минор” маҳалласи оқсоқоли Фафур Фуломов, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг талабаси Камола

Одилова ва бошқалар сўзга чиқиб Соҳибқироннинг бой адабий мероси, панду ўғитлари ёш авлодга муҳим дастуруламал бўлажagini фахр билан таъкидлаб ўтдилар.

Шундан сўнг шаҳар жамоатчилиги вакиллари, фан ва маданият арбоблари, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар улуг саркарда Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Бош вазир ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди.

Шу кунни Темурнинг тарихи Давлат музейида “Буюк сиймо” деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Мехмонлар музей экспозицияларидан ўрин олган Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазмалар билан танишишди. Шунингдек, буюк Соҳибқирон таваллудининг 670 йиллиги олдидан жамоат вакиллари юбилейга тайёргарлиги бўйича мулоқоти ҳамда Халқро Амир Темур жамғармасининг ёш иждоқор расомлар ўртасида Амир Темур танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Амир Темур хиёбонида бўлиб ўтган тантанали маросимдан
Хақимжон Солиҳов олган сурат.



XVI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Темурийлар шаҳараси ва темурий маликалари» мавзусида кўргазма очилди.

● Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик муҳандислик билим юртида «Шунқорлар—2005» ҳарбий-спорт мусобақаларининг Тошкент вилояти яқини босқичи ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида Республика ОИТС маркази мутахассис-шифокорлари, Республика Бош прокуратураси ходимлари, руҳшунос, наркололар, коллеж ва мактаблар ўқувчилари иштирокида «Оғо бўлинг — ОИТС» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

● Фарғона вилояти мудоффа бошқармасига қарашли чақирув йиғин пунктида ҳарбий хизматга чақирилувчиларни кузатиш маросими ўтказилди.

● Яққабог туман марказий шифохонаси қошида «Шошлинч тез тиббий ёрдам» бўлими очилди. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу бўлимга тумандаги тадбиркор ва фермерлар ҳомилийк ёрдамини кўрсатишди.

● Навоий вилоятида Сихат-саломатлик йилга бағишлаб ўтказилган Хотин-қизлар спартакиадасида 10 жамоа аъзолари спортнинг 8 тури бўйича ўзаро беллашишди.

Жаҳонда

● Ироқнинг янги Президенти Жалол Талабани Миллий ассамблея олдига қасамёд қилди. Сўнг янги Президент мамлакат Бош вазирини лавозимига Иброҳим ал-Жаффар номзодини тавсия этажagini билдирди.

● Европа Иттифоқи Чеченистондаги зиддиятлар давомида жабрланганларга 29 миллион доллар миқдориде инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Голландия полицияси мамлакатга арзон ишчи кучи сифатида хитойлик муҳожирларни ноқонуний олиб кириш билан шуғулланувчи жиноий ғуруҳ фош этилганлигини маълум қилди.

● Жаҳон банкининг дунё иқтисодиёти бўйича тайёрлаган йиллик ҳисоботида таъкидланганича, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари сўнгги 30 йил ичида энг юқори кўрсаткичга чиққан. Ўтган йили Хитойда ўсиш суръатлари рекорд даражага етди—9,5 фоиз ўсишга эришилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Кунни кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Унда учинчи чақирик шаҳар Кенгаши депутатлари корпуси фаолиятига доир ташкилий масалалар муҳокама этилди. Сессия кун тартибидаги асосий масалалардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 ва 11 февралдаги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 11 февралдаги тегишли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот тинланди.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

Шуни айтиш керакки, кейинги йиллар давомида мамлакатимизда коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича зарур қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий неғиз шаклланди, уй-жой мулкдорлари ва коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланди.

Лекин шунга қарамасдан ўта мураккаб ҳисобланган бу соҳа муаммо ва камчиликлардан ҳоли эмасдир. Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга ниҳоятда жиҳдий эътибор қаратишни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаш билан бирга, ушбу соҳадаги ва-

зиятни кескин танқид остига олди. Хусусан, коммунал тармоғидан самарали фойдаланиш тизими, бу тармоқларни капитал тарзда алмаштириш ва замонавийлаштириш лозимлиги, умуман олганда, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг таъсирчан механизми амалда яратилмагани, кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши мутлақо қониқарсиз аҳволда бўлиб, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш тузилмаси талабига жавоб бермаслиги кўрсатиб ўтилди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг жойлардаги ижроия органлари ҳамда фойдаланиш ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек истеъмолчилар томонидан кўрсатилган хиз-

матлар учун тўловларнинг вақтида ва тўлиқ таъминланишини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг тегишли Қарорлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш ускуналарини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш доирасида уй-жой-коммунал тармоғининг шаҳар ва туман тузилмалари томонидан соҳада ислохотларни давом эттириш, унинг ҳаракатга келтирувчи механизмларини такомиллаштириш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Жумладан, уй-жой фондини ва атроф худудни тартибга келтириш учун тулик инвентаризация ўтказилди ва зарур бўлган ишлар ҳамма белгиланиб, уларнинг ижро мuddатлари кўрсатилгани ҳолда жадваллар тузилди. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида бу ишларнинг умумий ҳажмидан учдан бир қисмини бажариш режалаштирилган, чунончи уларнинг кириш йўлакларини таъмирлаш, ертўраларни қуришти ва тозалаш, ноқонуний қурилмаларни олиб ташлаш, атроф худудни тартибга келтириш, шунингдек 789 та кўп қаватли уйни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Ушбу ишларда бугунги кунда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаол катнашаётгани таъкидлаш жоиз. Уларнинг сони айтилган 822 тани ташкил қилаётир. Кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш тизими қайта қўриб чиқилиб, амалдаги йирик 394 та ширкатлар ўрнига бошқариш учун қулай бўладиган 10-12 тадан уйлар, ёки 500-600 хонадонни ўзига бириктирилган ширкатлар тузилди. Янги ташкил қилинган ширкатларга фаолият юритиш учун жой ажратилди ва керакли техника, ҳижозлар билан таъминланди. Янги ширкатлар раҳбарлари уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишида сайланган. Ҳозирги кунларда улар уй-жой фондидан фойдаланиш ва молия-ҳўжалик фаолиятини юритиш масалалари бўйича махсус ўқув курсларида тахсил олмоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, УЖМШ-ларини қайта тузиб, хизмат кўрсатадиган

уйлар сонини камайитиш аҳоли ўртасида тушунириш ишларини олиб боришга имкон яратади, уларнинг ширкат ишида фаол қатнашишини яхшилайдди, шунингдек фойдаланиш харажатлари бўйича тушган маблағларни мақсадли равишда - ҳар бир уй-ниқини алоҳида ўзи учун сарфлаб унумли фойдаланишга олиб келади.

УЖМШ фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи, фойдаланиш ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида ҳар бир туманда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмалари тузилди ва улар тегишли шаҳар уюшмасига бирлашган.

Шу билан бирга уй-жой фондини такомиллаштириш масаласида аҳолининг дебитор қарздорлигини қисқартириш масаласи долзарблигича қолмоқда, бугунги кунда аҳоли қарзлари 23,8 миллиард сўмни ташкил қилади, шундан фақат 17 миллиард сўм иссиқлик ва иссиқ сувдан фойдаланилганлик учун қарздорлик суммасидир.

Бундан ташқари, уй-жой фондини газ ва иссиқ сув хисоблагичлари билан таъминлашда белгиланган дастурга нисбатан сезиларли даражада оқсалиш юзага келган. Газ хисоблагичлари билан таъминлаш - 72 фоизга, совуқ сув хисоблагичлари билан таъминлаш - 36 фоизга бажарилган. Бугунги кунда ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш борасида тегишли корхона ва ташкилотлар томонидан ҳисобга олиш ускуналари ўрнатиш мuddатлари ишлаб чиқилган. Унга асосан табиий газни хисобга олиш ускуналари жорий йилнинг 1 сентябргагача, иссиқ ва совуқ

сув ҳамда иссиқлик қувватини тежаш хисоблагичларини - 2005-2007 йиллар давомида ўрнатиш режалаштирилган.


Бундан ташқари, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва маънавий жиҳатдан эскирган қозонхоналарни янгилаш дастурлари комунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлари ҳамда вазирилик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилди ва аста-секин жорий этилмоқда.

Уй-жойларни ва атроф худудларни санитар тозалаш ва ободонлаштириш бўйича амалга оширилган катта ҳажмдаги ишларни инobatга олган ҳолда сессияда депутатлар ва барча бугундаги раҳбарлар эътибори жойларда - маҳалла, ширкатлар, бевосита аҳолига уй-жой фондидан тўғри ва самарали фойданиш, вақтида тўловларни амалга оширишда моддий ва маънавий ёрдам бериш зарурлигига қаратилди, шунингдек жойларда аҳоли ўртасида умумий мулкка бўлган муносабатини «ўз мулким» сифатида ўзгартириш юзасидан кенг қўламли тушунириш ишларини олиб бориш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Сессияда шунингдек, депутатлар доимий комиссияларининг номлари, мақсад ва вазифалари тасдиқланди. Тошкент шаҳар Кенгашининг таркибида олтинта комиссия фаолият юритади. Уларнинг ҳар бирига профессионал тажрибаси ва билими инobatга олингани ҳолда ўрта хисобда 9-10 нафардан депутатлар аъзо бўлиб киритилди.

Сессияда Тошкент шаҳар ҳокимининг айрим қарорлари тасдиқланди ҳамда бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Журналистика соҳасидаги энг нуфузли мукофот бўлмиш «Пулитцер-2005» совриндорлари номи эълон қилинди. Reuters ахборот агентлиги хабарига кўра, Los Angeles Times газетаси журналистлари бу йил ҳам жамияти йўлидаги хизматлари учун «номинацияси бўйича голибликни қўлга киритдилар. Улар терроризмга қарши кураш мавзусида тайёрланган туркум мақолалари учун «Энг яхши халқаро репортаж» номинацияси бўйича ҳам биринчи ўринни олдилар.

● Зимбабве демократик ислохотлар учун муҳолифат партияси мамлакатда парламент сайловлари қайта ўтказилишини талаб қилмоқда. Муҳолифат ўтган ҳафтада ўтказилган сайлов натижалари ҳаққоний эмас, деб хисобламоқда.

● Чеченiston собиқ президенти Аҳмад Кодировнинг ўғли Рамазон Кодиров террорчи Шамил Басаевни 9 майга қадар йўқ қилишга ваъда бермоқда. Рамазон Кодировнинг бундай қарорга келишига Басаевнинг қўлга олинган яқин одамларининг кўрсатмалари сабаб бўлган. Қамоққа олинган жангарилар маълумотиға асосан террорчиларнинг бир неча қурол омборлари топилган ва Басаев 9 майда теракт уюштириш ниятида эканлиги маълум бўлган.

● Расмий Пекин мамлакатда яқин 15 йил давомида 40 та атом реактори қуришни режалаштирилаётганлигини маълум қилди. Хитойда саноатнинг изчил ривожланиб бориши мамлакатда энергетика тақчиллигини келтириб чиқармоқда. Тахминларга қараганда, агар дастур муваффақиятли удаланса Хитой нефть импортини сезиларли даражада камайтиради.

● Покистон ва Ҳиндистон мамлакатлари ўртасида автотубус қатнови йўлга қўйилди. Бу автотубуслар Ҳиндистоннинг Сринагар ва Покистоннинг Музаффаробод шаҳарларини боғлайди. Кашмир можароси туфайли бу йўналишда автотубуслар қатнови бундан бир неча йил олдин тўхтаб қолганди.

● Саудия Арабистони махсус хизмати «Ал-Қоид» террорчиларига қарши уч кунлик операция олиб борди. Саудия Миллий телевидениеси хабар қилишига махсус амалиётлар киролликнинг Ал-Рас шаҳридаги бир уйни хавфсизлик хизмати томонидан қамал қилиш билан бошланган. Ҳазор отишмалар чоғида 10 нафар террорчи ўлдирилган, 6 нафар қўлга олинган, 20 га яқин жангари қочиб қолишга муваффақ бўлган.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» доимий фаолият кўрсатувчи республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги, кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. У «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Фанлар академияси Иқтисодиёт институти ва қатор олий ўқув юртлири билан биргаликда ташкил этилди. Мажлисда етакчи олимлар - мамлакатимизда социологлар, ҳуқуқшунослари, сиёсатшунослари, иқтисодчилари ҳамда уларнинг Россия ва Германиядан келган ҳамкасблари иштирок этди.

«Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева мажлисни очар экан, доимий фаолият кўрсатувчи семинар Президент Ислам Каримовнинг иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий чора-тадбирлар дастури доирасида ўтказилаётганини таъкидлади. Бу гагли муҳокама мавзуси - жамоатчилик фикрини ўрганишда назария, услублар ва амалиёт.

Фуқаролик жамияти қурилиши жамоатчилик фикридаги тенденцияларнинг доимий мониторингини талаб этади. «Ижтимоий фикр» марказининг саккиз йиллик фаолияти давомида мамлакат аҳолисининг барча қатламлари орасида жамиятни ривожлантиришнинг муҳим масалалари юзасидан 150 дан ортиқ сўров ўтказилди.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги ислохотларга муносабати аниқланди. Эътиборли томони шундаки, сўралганларнинг мутлақ аксарияти мамлакатимиз раҳбариятининг тўб ислохотларга қаратилган сиёсатини фаол қўллаб-қувватлайди. Улар Ўзбекистонда тинчлик ва фуқаролар тотувлигини мустақилликнинг асосий ютуғи деб хисоблайди. Сўровлар давомида олинган маълумотларнинг ҳолислигини ошириш учун мамлакатимиз мутахассислари янги услубларни ишлаб чиқди. Бундай социологик тадқиқотлар натижалари мамлакатимизнинг кўпгина давлат ва жамоат ташки-

лотлари фаолиятига ёрдам бермоқда.

Мажлисда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг назарий ва услубий асосларини янада такомиллаштириш муаммолари кўриб чиқилди, ҳуқуқ, иқтисодиёт, социология, фалсафа, давлат бошқаруви соҳаларидаги тадқиқотларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли тобора ортиб бораётгани ҳақида гапирилди. Мазкур масалалар Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт институти директори А.Қодиров, бошқа таниқли олимларнинг маърузаларида ёришилди.

Россия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази халқаро ва жамоатчилик алоқалари бўйича директори Д.Поликанов, Россиянинг «Социологик тадқиқотлар» журна-ли бош муҳаррири Ж.Тошенко, Лейпциг университети профессори Д.Куммар (Германия) мажлис қатнашчиларини хорижий мамлакатларнинг социология соҳасидаги тажрибаси билан таништирди.

Муҳокама аюлларига қура тасиялар ишлаб чиқилди. Улардан фойдаланиш мамлакатимиз ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва социологик тадқиқотлар борасидаги халқаро тажрибани инobatга олган ҳолда Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

ЎЗА

Хитойликлар учун ўзбек фотосанъатининг бой ва ўзига хос тарихи билан яқиндан ва муфассал танишиш имконияти пайдо бўлди. 8 апрель куни Пекин шаҳридаги «Минг йиллик Хитой ибодатхонаси»да «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» мавзусида фотокўргазма очилди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва мамлакатимизнинг ХХРдаги элчихонаси томонидан Тошкент Фото уйи ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЎЗБЕК ФОТОКЎРГАЗМАСИ ХИТОЙДА

Кўргазмага ўзбек фотосанъати асосчилари ва атоқли намояндalари томонидан ишланган бир юз элликдан зиёд нодир фотосурат қўйилган бўлиб, улар XIX асрнинг охири ва XX аср биринчи ярмини қамраб олади. Фотосуратларда халқимиз ҳаёти ва ўша давр руҳи, хусусиятлари ўз аксини топган.

Намойиш этилаётган асарлар «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» антология-каталогига киритилган. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Бадий академия ҳамда Тошкент Фото уйи ҳамкорлигида нашр этилган.

Жамғарманинг матбуот-клубидан ЎЗА муҳбирига маълум қилишларича, антология уч жилдан иборат бўлиб, турли даврларни қамраб олган. Биринчи жилд ўзбек фотосанъатининг пайдо бўлиш ва шаклланиш даврини - XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмини акс эттиради. Унинг саҳифаларида ўша давр фото усталари ва асосчиларининг ноёб асарлари жамланган.

Ҳозир тайёрланган иккинчи жилд XX аср иккинчи ярми - Тошкент фотография мактабининг ривожланиш даврига бағишланган. У мазкур мактабининг етакчи вакиллари ишлаган фотосуратлардан иборат. Суратларнинг аксариятида Иккинчи жаҳон уруши йиллари воқеалиги тасвирланган.

Учинчи жилд бу ўзига хос бадий солномани мантиқий давом эттириб, Ўзбекистоннинг мустақиллик даврига бағишланган. Унда зamonдошларимизнинг бугунги ҳаёти акс эттирилган. Томошабинлар уста сураткашлар нигоҳи билан одатий, кундалик ҳолатларда ҳам ҳайратланарли янгиликларни кўриш имкониятига эга бўлади.

Пекиндаги кўргазмада Худойберган Девонов, Макс Пенсон каби фотосанъатимизнинг атоқли асосчилари ва миллий фотосанъатимиз ривожига сезиларли эз қолдирган бошқа ижодкорларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур кўргазманинг асосий мақсади халқимизнинг бой маданий ва илмий салохиятини кашф этиш ва дунё бўйлаб тарғиб этишдан иборат бўлган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг серқирра фаолиятидан яна бир ёрқин намунадир. Зеро, Жамғарма илм-фан, маданият, маърифатни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу тариха миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг кўзгуси янгилик маданий ва илмий ҳамкорликка кенг йўл очишга самарали хизмат қилмоқда.

Эътиборга молик жиҳати, бундай кўргазма жорий йилнинг март ойида Москвада катта муваффақият билан ўтказилиб, қўллаб мухтаassisларнинг эътирофига сазовор бўлди. Чин юртидаги кўргазма ҳам ўзбек фотосанъатининг ўзига хос тарихини намойиш этибгина қолмай, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши йўлидаги муҳим воқеа бўлиб қолади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



Баҳорчи гакирик

ОҚ ЙЎЛ, МАРД ЎҒЛОНЛАР!

Ўртимиз узра баҳор насимлари кезаётган шу кунларда яна бир катта тантананинг гувоҳи бўлдик. Мустақил юртнинг посбони, тинчлик-осудалик ҳимоячиси бўлишга аҳд қилган ўғлонлар Ватан олдидаги муқаддас бурчини ўташ, Миллий Армиямиз сафларига она-юрт тинчлигини ҳимоя қилиш учун катта тантана билан хизматга кузатилди.

Харбий оркестр садолари янграб чиройли спорт кийимларини кийган йиғитлар саф тортиб, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётган кузатув маросимини Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Бахтиёр Маҳмудов очиб, жумладан шундай деди: «Орт ҳимоячиси, ишонгли посбон бўлишга аҳд қилган азиз ўғлонлар, сафарингиз бехатар бўлсин, ишончманлик хизматни аъло даражада ўтаб, ота-онангиз бағрига соғ-омон, ёруғ юз билан қайтасиз. Хизматни яхши ўташингиз учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратилган, ҳарбийликнинг темир интизомли, қатъийлик, бир сўзлик, матонатли ва иродали бўлиш каби йиғит кишига хос бўлган барча бўлақларини хизмат давомида албатта ўрганасиз, мارد ва жасур йиғитлар сафида бўласиз.

бўлиши, ким учун ва нимага хизмат қилаётганлигини яхши билиши лозим. Жисмонини ва маънан соғлом йиғитларнинг танилаб олингани, давлатимиз томонидан берилмаётган юксак эътибор Миллий Армиямиз сафларининг ҳар томонлама етуқ аскарлар билан тўлишига имкон яратмоқда.

Фарзандига меҳр билан боқиб, унинг эр йиғитлар сафидан ўрин олганидан қалби фахр-ифтихорга тўлиб турган ота-оналар, ҳаяжонини билдирмасликка интилиб дўстлари даврасида гурун қилаётган йиғитлар билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик.

— Анвар Низомиддинов бўламан, ўғлим Шавкатжонни хизматга кузатяпман. Фарзандлар ичида кенжаси барбори бир бошқача бўларканми, унинг хизматга ёши етиб қолганини сезмай ҳам қолибмиз. Мана у йиғитлар сафида, тилагим ўғлим мустақил юртимизнинг тинчлигини кўз қорачиқдек қўриқлаб, Миллий Армиямизнинг муносиб аскари бўлсин. Ота-онаси бағрига ёруғ юз билан қайтсин.

— Шоҳида Азимоваман, — дейди кўзларига севинч ёшлари тўлиб турган онахон. — Ўғлим Олимжонни кузатяпман. Шу кунгача ўғлим Тошкент транспорт-қасб-хунар коллежида ўқиди, ҳайдовчилик гувоҳномасини олди, ўйлаётгани хизматда бу албатта асқотади. Илоҳи юртимиз тинч бўлиб, фарзандларимиз хизматни аълога ўтаб ота-она, устозлари хизмати оқлаб, муносиб ўғлон эканликларини кўрсатишсин.

— Менинг фикрларимни ҳам ёзиб қўйинг, — дея суҳбатимизга қўшилиб спорт кийимини ўзига ярашган, нигоҳларида қатъийлик чақчаб турган йиғит. — Зафар Абдуллаевман, Собир Раҳимов тумани

Мевазор кўчасидан. — Ўз хоҳишим билан, чин юракдан хизмат қилишга охирлаб кетяпман. Хизматга бориш учун фақат соғлом бўлиш етарли деб хато ўйлаб юрган эканман, танловдан ўтишининг ўзи бўлмади. Мана, хизматга муносиб деб топилган йиғитлар сафидан жой олдик, албатта бурчимизни аълога ўтаймиз, деб аҳд қилганмиз.

Хизматга отланган Хуршид Ганиев, Муҳиддин Мақсумов, Луғфулла Йўлдошев каби бир гуруҳ бўлғуси аскарлар ота-оналари, она-Ватанининг тинчлиги-осойишталигининг муносиб қўриқчилари бўлишга аҳд қилганликларини, йиғит кишининг элга садоқатли, мارد, жасур бўлиши муқаддас бурж эканлигини айтиб зўг тилакларини газета орқали албатта ёритишимизни илтимос қилишди.

Кузатув тантанасида Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли хонандалари, эл севган Юлдуз Абдуллаева каби санъаткорларнинг шўх куй ва қўшиқлари, чиройли рақс, байрам дастурхони даврага файз бағишлаган бўлса, эсдалик учун ота-оналар билан тушишган суратларнинг икки-уч кун ичида туман мудофаа бўлимига олиш мумкинлигини қўниқларни кўтариб юборди. Тилаклар, табрикларнинг чеки бўлмади.

Ха, мardлар қўриқлайди Ватани, азиз ўғлонлар, сиз қўшимиздаги нур, қалбимиздаги гуруҳсиз, мard боболаримиз руҳи сизни қўласин, ой бориб омон қайтинг, ой йўл!

Шоира МУХАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: шаҳар йиғин пунктда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Мулоҳаза, мунозара

КҲНГИЛДАГИ ГАПЛАР
ИНСОФ САРИ БАРАКА

«Отчопар» бозорига мавсумий пойабзал харид қилгани бордик. Пештахталар тўла маҳсулот. Истаган нарсангиз топилади. Лекин ҳамма жойда нарх ҳар хил. Ҳатто бир хил маҳсулотларнинг баҳоларида ҳам анча-мунча тафовут бор.

Расталарни оралаб юрдик. Пойабзаллар баҳосини сўраб-суриштирдик. Маъқул келганини кийиб кўрсак бири катта, бири кичик келди. Ниҳоят бир жойда ўзимизга маъқул келганини топдик.

Маҳсулот бизга манзур бўлганини сезган сотувчи аёл: «Бунақасини қидириб тополмайсиз. Бозорда ўзи битта. У ҳам бўлса сизга аталган», деб мактовини келтириб турибди.

Нарҳини сўрадик.
— От билан туя бўлармиди, — деди сотувчи худди уни бизга текинга бериб юборгудек оҳангда, — олақолинг, сизга сув текин — 25 минг.

— Жуда қимматку.
— Кунни кеча худди шунақасини 30 мингга сотганман. Сизга беш минг ташлаб беряпманку ажагон. Ўзингиз қўриб турибсиз маҳсулотга гап йўқ.

— 20 минг берайлик.
— Қўймадингиз, қўймадингизда. Майли сизники ҳам, меники ҳам эмас, 23 минг бера қолинг.

Хуллас ташлаиб-тортишиб 22 мингга харид қилдик. Раста бўйлаб борар эканмиз, яна бир дўконда худди шунақа маҳсулот турганини кўрдик. Қизиқиб ичкари кирдик. Сўраб-суриштирсак пойабзалнинг катта-кичиклиги ҳам қўлимиздаги билан бир хил. Нарҳини сўрадик.

— 18 минг, ками бор, — деди сотувчи.

Орадаги фарқ оз эмас, кўп эмас 4 минг сўм эди. Шуни ўйлаб қўлимиздаги пойабзални эгасига қайтармоқчи бўлдик. У «сотилган молни қайтиб олмаيمان. Харид қилаётганингизда кўзингиз қаёқда эди» деб туриб олди. Ночор пойабзални қўлтиқлаб уйга жўнадик. Шунда ҳаёлимизга кексаларнинг «Инсоф сари барака» деган сўзлари келди. Лекин унга ҳамма бирдек амал қилмавермас эканда. Нима бўлганда ҳам инсофли бўлганимиз яхши.

Садир ТОЛИПОВ

ЎТКИНЧИ ДУНЁ

Ўтган йили бир дўстимиз кизини турмушга бериш муносабати билан эрталабки ошга таклиф этди. Биз улфатлар ҳассасакашлар ёнида тўпланишиб, давра куриб тургандик, тўйхонадан сал нарироқда бир машина келиб тўхтади. Кабинадан басавлат киши тушиши билан ҳассасакашлар сергак тортишди. Тўй эгалари келган меҳмон истикболига пешвоз чиқишди. Мехмон сертакаллўф мезбонлар қуршовида ичкарига олиб кирилди.

Сўраб-суриштирсак бу одам мансабдор экан. Ичкарида ҳам унга алоҳида иззат-икром кўрсатилди. Махсус безатилган хонага бир ўзини таклиф эттишди. Зериктириб қўймаслик учун дилтортиб яқинлардан бири унга ҳам хона бўлди.

Кузатиш ҳам шунга яраша. Зарбоф тўн унинг елкасига ташланди. Бир ишора билан ҳайдовчи йиғит дарҳол чопонни ҳўжайиннинг елкасидан олиб тахлаб қўлтиққа урди. Хайр-хўш ниҳоясига етгач, тўй эгалари энгил тортишди.

Яқинда шу дўстимиз яна бир кичик қизини узатди. Одатдагидек эрталабки ошга тўпланиб эшик олдида келди-кетдини кузатиб турсак яқин атрафимизга машина келиб тўхтади. Ундан тушган басавлат киши қандайдир қўзимизга иссиқ кўринди. У ҳеч қандай тақаллуфсиз эл қатори ичкари кириб кетди.

Қаерда кўрганман, деб ўйлаб турсам, тўй эгаларидан бири қулгимга ишпишди.

— Хозирги келган одамни танидингизми?
— Эслолмай турибман.

— Юқори лавозимда ишларди. Ўшанда атрофидан мулозаматчилар ари-мад, ўткизгани жой топишолмасди. Яқинда ишдан кетдию, яқаланиб қолди. Шунда ҳаммасига тушундим. Инсон обрў-эътиборини у эгаллаб турган лавозими билан белгилайдиган одамлардан ранжидим.

Қодир ОЛИМОВ

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИКМИ?

Хурматли тахририят, очиги бу гапни ошқора айтишдан ҳам хижолат тортаман. Айтсам тилим, айтмасам дилим куйдагн ҳолатдаман. Лекин менинг бошимга тушган бу савдо ўзга ишонувчан одамлар бошига тушмасин, деган фикрга бориб ушбу мактубни сизларга йўлладим.

Гап шундаки, бундан бир неча йил муқаддам узоқ қўришмай кетган мактабдош ўртоқларимдан бири йилиб-ёлвориб қаринга пул сўраб келди.

«Сўраганинг бир бети, бермаганинг икки бети» деганларидек, илтимосини рад этолмадим. Бунинг устига у шундай бир баҳонани ўйлаб топган эдики, шундан кейин бор бўла туриб йўқман деб, уни қуруқ қайтариш инсофдан бўлмасди.

Унга ишондим. Илтимосини бажо келтирдим. Пулни санаб ола туриб, бир ҳафтадан кейин албатта қайтариб беришга ваъда берди. У муродига етганидан, мен эса зарур вақтда бир инсоннинг ҳолатини чиқарганимдан хурсанд бўлдим.

Орадан ҳафта ўтди, ой ўтди. Истан хабар бўлмади. Йил ўтгач уни қидиришга тушдик. Мактабдошимни иста-истай уйдан топдим. У мени қуюқ қутиб олди. Олдимда ўта хижолатлигини айтиб уэр сўради. Яна бир ҳафтадан кейин пулимни қайтариб беришини айтди.

Рози бўлдим. У келмади. Ана шундан кейин сарсонгарчилик бошланди. Қидираман, на уйдан, на бошқа жойдан топа оламан. Аёлидан сўрасам: «Бу уйга келмай қўйганига анча бўлди. Ҳатто болаларидан ҳам хабар олмамай қўйган», деган гапни айтиб мени қайтарди.

Бир кун уни фавқулодда автобусда учратиб қолдим. Мени қўриб кўрмаганга олди. Машинадан тушмоқчи бўлганида олдидан қиддим. Ҳеч нарса бўлмагандек саломлашди. Дарҳол ўртамиздаги қарзидан оғиз очдим, қайтариб беришини илтимос қилдим.

— Қанақа пул, — деди у кўзини лўқ қилиб. — Мен сендан қачон қарз сўрадим. Туш кўряпсанми ёки мени бошқа биров билан адаштиряпсанми? Лолу ҳайрон бўлиб қолдим. Вой тавба, бу қанақа одам, кўзинга тик қараб туриб қилмишидан тониб турадиган. Мен ҳам бўш келмадим. Ҳазимча исботлашга ҳаракат қилдим.

— Бошимни қотирма, — деди у охирида. Қани қаринг руст бўлса исботингни кўрсат.

Анчик устида ёқасидан олдим. Бош-кўзи аралаш бир-икки мушт туширдим. Бу қилмишим учун хозир у мени қаматиш илинжида, мен эса унга берган қарзимни қандай ундириш ҳаракатида юрибман. Яхшиликка ёмонлик, деб шунга айтсалар керакда.

Карим ҚОБИЛОВ

Сатқам

ҲУМО ҚУШИ — ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

Театр, бу — санъат соҳасининг ёруғ кўзгуси. Томошабин ушбу даргоҳга келар экан бор ўй-хаёлларини унутиб, чарчоклардан ҳоли бўлиб санъат огушига шўнғиб кетади. Чунки бу ерда ҳамма воқеалар жонли тарзда кўз ўнгимизда намоён бўла бошлайди.

Жорий йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида ижодий ишлар қизғин кетмоқда. «Севги шароби» деб номланган янги спектакль ҳам мухлислар қалбидан муносиб жой эгаллаган эди.

Яқинда яна бир янги сахналаштирилган «Хумо» спектакли премьераси олдидан журнал-истлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирчи Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрининг директори Бахтиёр Ёкубов кириш сўзи билан очиб, «Хумо» спектакли Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб совға тариқасида тайёрланганлигини, чунки Хумо қуши азал-азалдан инсонларга омад, бахт ва шодлик олиб келишини, у тинчлик, дўстлик рамзи эканлигини айтиб, барча спектакль ижодкорларини табриклади.

Дарҳақиқат, «Хумо» спектаклининг дунёга келишида Ўзбекистон халқ артистлари Иброҳим Юсупов, Игорь Кистанов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Вадим Геллертов, Андрей Шалберкин, Владислав Егай,

Амина Бабаджанова, Нозима Ҳасанова, бош қўшиқчилар Эскандер Меналиев, Владислав Лихачев, Зураб Микалелдзе ва ёш, иктидорли санъаткорлар Нуржон Кулибаев, Олеся Гапиенко, Равшан Чориев, Нодира Ҳамроеванинг хизматларини алоҳида таъкидлаш ҳождир.

Спектаклда Заргар ва Зулайхонларнинг соф севгиси тараннум этилади. Хумо қуши эса бу севишган икки қалбга қўмак беради. Охириқонд эзгулик ёвузликни энгич қадади.

«Хумо» спектаклидаги куй-қўшиқларни бастакор Анвар Эргашев басталаган. Спектакль икки халқ санъатининг ҳамкорлик меваси ҳисобланади. Чунки унинг яратилишида Грузия халқ артисти, профессор Георгий Алексидзе ва Грузияда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юрий Гегендиде хизматларининг алоҳида ўрни бор.

Мазкур спектаклнинг премьераси 15, 17, 24 апрель кунлари бўлиб ўтади. Умид қиламизки, ушбу спектакль ўз мухлисларининг меҳрига сазовор бўлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА



ПАИШАНБА, 14

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Келинг, бир куйлайлик»
«Болалар сайёраси»
9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Кизиқарли уярушувлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Бойвачча Рич»
Бадий фильм.
11.30 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»
11.50 Мусиқий танарфус.
12.05 «Харакатда баракат»
12.20, 15.35 ТВ анонс.
12.25 «Гал чидки»
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Журналист тахлили»
14.30 Кундузги сеанс:
«Нил дарёсидиги олишув». Бадий фильм.
2-қисм.
15.40 «Парле ву франсе?»
16.00 «Санъатга бахшида умр». Ж. Рахимов.
«Болалар сайёраси»
16.20 1. «Кўнгирокгул». Мультифильм.
2. «Яшил чирок». 3. «Цирк, цирк, цирк»
17.40 ТВ анонс.
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Тиббиёт одимлари»
18.25 Бир хуфт қўшиқ.
18.35 «Ойбек ёди»
18.40 «Ҳамма неъматни борида қадрла»
18.45 «Ҳаёт ва қонун»
19.05 «Зийнат»
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистонянгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот.
21.50 «Навоий гулашани». Бадий-мусиқий дастур.
22.15 «Рўё». Бадий фильм. 1-қисм.
23.30 «Оханглар оғушида»
«Ёшлар»
6.55 Курсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқбабур.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Мухаббат мо-жароси». Телесериал.
10.10 Тенгдошлар.
10.30 Соғлом авлод.
10.50 «Мультимоша»
11.05, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.15 Жаҳон жуғрофияси.
12.05 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Ешлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳза-

лар.
13.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
13.40 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадий фильм.
14.55 Автопатрул.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.20 Тараққиёт сари.
16.40 Курсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Хар соҳага саяҳат.
17.25 Ешлар куйлайганда.
17.40 Нигоҳ.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Уқиша марҳамат.
19.45 Узимизники.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Телевикторина.
20.10 Ешлар овози.
20.30, 21.20 Эълонлар.
20.35 «Мухаббат мо-жароси». Телесериал.
21.25 Бегийм.
21.45 ТВ-адвокат.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 - 23.15 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.00 Программа передач
17.10 Сериал на ТТВ:
«Дикая природа Австралии»
17.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»
17.50, 20.40 Телегазета «Экспресс»
18.10 Экран детям.
18.30, 20.00, 21.00, 21.50 Информационная программа «Пойтахт»
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»
20.20 Сериал на ТТВ:
«И это кино»
20.20 «Аёллар салтанати»
21.20 «Музыка: кеча ва бугун»
22.10 «Пойтахт йулларида»
22.25 Кинооқо: «Элвис и я». 1-серия.
23.35-23.40 Спокойной ночи, город!

«Спорт»

7.30 «Новости»
7.45 «Бодрое утро»
Информационно-развлекательная программа.
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 Мультифильм.
9.10 Тяжелая атлетика.
10.00 «На спортивных площадках»
10.15 «Нокаут»
10.45 «Мастера единоборств»
11.05 Студия «Равнак» представляет.
11.20-12.20 Международный спорт: «Тенис»
16.55 Программа передач
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 «Детский спорт»
17.40 «Клон». Сериал.
18.50 Кураш.
19.30 «Пятёрка сильнейших»
20.00 «Время»

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45, 17.55 Драма «Всегда говори «всегда»»
6.45 «Бандеровцы. Война без правды»
7.45, 13.25, 21.15 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 Фильм «Семнадцать мгновений

20.30 Премьера «Феникс». Сериал.
21.05 «Новости»
21.20 «Спорт - моя жизнь»
21.35 Международный спорт: «Еврофутбол»
23.10 «Спокойной ночи!»

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Бедная Настя», сериал
14.00 Художественный фильм, «Формула 51», остросюжетный фильм
15.40 «Аёллар орзуси» - передача для женщин
16.25 Документальный сериал
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Бедная Настя», сериал
19.45 «Ошикона»
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.00 «Теле-хамкор»
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 Киновечер на «30-м»: «Голубоглазый Микки», комедия
24.00 Программа передач

НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.05 Сериал «Скорая помощь»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 23.00, 3.00 «Сегодня»
9.20 «Тайны разведки»
9.50, 19.45 Сериал «Косвенные улики»
11.00, 18.40, 23.15 Сериал «Человек войны»
12.35 «Чистосердечное признание»
13.05 Фильм «Государственная граница»
14.35 «Игры разума»
15.20 Ток-шоу «Принцип домино»
16.30, 00.20 Сериал «Москва. Центральный округ»
17.35, 20.50, 4.50 «Чрезвычайное происшествие»
21.40 «К барьеру!» Ток-шоу
1.20 Бильярд
2.10 Сериал «Филателия»
3.15 Сериал «Первый понедельник»
4.05 Сериал «Тарзан»

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00, 4.00 Новости
8.05, 20.30 Фильм «Гибель империи»
9.20, 17.40 Сериал «Клон»
10.30 Дисней-клуб: «Утиные истории»
11.20 Фильм «Судьба ба»
13.10 «Ералаш»
13.30 «Угадай мелодию»
14.20 Фильм «По ту сторону волков»
15.20 «Пять вечеров»
16.30, 17.10 Криминальная Россия.
«Бриллианты для мафии»
18.50 Сериал «На углу у Патриарших»
20.00 «Время»
21.40 «Человек и закон»
22.30 Ночное «Время»
22.50 Тайная история искусства. «Фальшивые шедевры»
23.30 «Формула власти». Президент Намибии
24.00, 2.05 Боевик «Фанат»
2.10 Триллер «Монстр»
4.05 Сериал «Медицинская академия»

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 14.00, 14.30 «Мульти-пульти»
10.00 Х/ф «Любовь зла»
11.30 Х/ф «Бей в кость»
15.00 Х/ф «Человек в зеленом кимоно»
16.30 Х/ф «Транзит для дьявола»
